O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QORAQOLPOG'ISTON RESPUBLIKASI
BERUNIY TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

O'ZBEKISTAN RESPUBLIKASI
QaRĄQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
BERUNIY RAYONLIQ HAKIMINING
Q A R A R I

Беруний тумани № 5000 «30» июн 2018 йил

Туман ўрмонзорларида ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши курашни кучайтириш тўғрисида

Беруний ўрмон хўжалиги ўрмон фонди умумий ер майдони 26441,4 гектар бўлиб, шундан ўрмон билан қопланган майдони 1728,2 гектарни ташкил қилади.

Ўрмонзорларни кўпайтириш хамда янги маданий ўрмонзорлар барпо қилиш бўйича 2018 йилда 238 гектар ер майдонига маданий ўрмонзор, 2,3 гектар ерда ниҳолдан кўчатхона 3,5 гектар ер майдонларига уруғдан кўчатхона барпо килинган.

Беруний ва Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ҳудудларидан умумий майдони 68717,8 гектар, шундан 11568,3 гектар қўриқхона зонасига, 6731,4 гектар буфер зонаси, 50418,1 гектар оралиқ зоналари қилиб белгилаб берилган. Туманимизда экологик мухитни яхшилаш ва ўрмонзорларни кўпайтириш учун ёнғиннинг олдини олиш, унга қарши курашни кучайтириш максадида, Ўзбекистон Республикаси "Ўрмон тўғрисида"ги Қонуни ("Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами "2018 й.,16-сон, 325-модда) янги таҳрири, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Беруний давлат ўрмон хўжалиги ўрмон фонди хамда Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ўрмон фонди ҳудудларида 2018 йил 01 июндан 2018 йил 1 октябрига кадар "Ўрмонзорларда ёнғин хавфсизлиги мавсуми" деб белгилансин.

2. Беруний давлат ўрмон хўжалиги маъмурияти тумандаги аҳоли пунктларида хамда Қуйи Амударё давлат биосфера резервати маъмурияти тумандаги аҳоли пунктларда Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги Қонунини кенг тарғибот қилинишини таъминласин.

3. Беруний давлат ўрмон хўжалиги ва Қуйи Амударё давлат биосфера резервати маъмурияти ҳудудларидаги корхона, ташкилот рахбарларига, дехкон-фермер хўжаликлари раисларига шу ҳудудларда яшовчи аҳолига мавжуд дарахтларни чопгирмаслик уларни химоя қилиш ва хайвонот дунёсини асраш, ёнғинга қарши чора-тадбирлар кўриш, экологик мухитни яхшилаш бўйича иложларни амалга ошириш топширилсин.

4. Беруний давлат ўрмон хўжалиги ва Қуйи Амударё давлат биосфера резерватида давлат ўрмон фонди майдонларида табиий ва техник вазиятларнинг олдини олиш, шундай фавқулотда вазиятлар юзага келганда тегишли маҳаллий ҳокимлик органлари, туман ёнғинга қарши курашиш, ички ишлар бўлимлари бошка корхоналар , билан биргаликда шошилинч иложлар ишлаб чиқиш ҳамда бажарилишини таъминлаш юклатилсин.

5. Тумандаги ММТП раислари, фермер хўжаликлари раҳбарлари ўрмон фонди ерлари, билан чегарадош далаларнинг атрофларини, арик ва зовурларни тозалаш пайтида ёнғиннинг олдини олиш максадида камишзорларнинг ёқиб юборилишига, ўрмонзорларда корамоллар, қўй-эчкиларни боқиб, янгидан экилган кўчатларнинг пайҳон килинишига йўл қўймаслик чораларини кўрсинлар.

6. Беруний тумани ички ишлар бўлими (А. Сапаев), Беруний давлат ўрмон хўжалиги (Р.Якупов), Қуйи Амударё давлат биосфера резервати (А.Маткаримов) билан биргаликда ўрмон хўжалиги ва Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ҳудудларида ноконуний ов қилувчи броконьерларга, аҳолининг дарахтларни ўзбошимчалик билан чопиб ўғирлаш ҳолларига ва экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш, аниқланган қонунбузилиш ҳолатига тегишли чоралар кўриш топширилсин.

7. Ушбу карор туман «Халк Минбари» газетасида эълон қилинсин, ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Беруний тумани ҳокимлигининг 2017 йилдаги 24 апрелдаги 650 - сонли қарори («Халк минбари» газетаси, 2017 йил 8 май 13 (6238) -сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу карор расмий эълон килинган кундан бошлаб кучга киради.

10. Ушбу карорнинг ижросини назорат килиш туман ҳокими ўринбасори А.Юлдашев зиммасига юклатилсин.

Беруний тумани
хокими **А.Сапарбаев**